# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 23 апрель, № 78 (6008) Чоршанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 25 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган 323–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 23-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).*

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 апрель
№ ЎРҚ—368

*Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низом матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Испания ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

# ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Испания Қироллиги Ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, курилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, алоқа ва ахборот технологиялари, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальо мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Ушбу форум ўзаро савдо, иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал тараққий этмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси билан Испаниянинг "Talgo" компанияси, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси билан "Махам" компанияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Испания Қироллиги Саноат, сайёҳлик ва савдо вазирлиги ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, ушбу соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда "Hispantex" (тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш), "Maxam-Chirchiq" ва "Maxam Uzbekistan" (кимё саноати), "Balkan Eksport Import Asia" (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш) каби қўплаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

— Ўзаро ҳамкорлигимиз йил сайин ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман, — деди Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальо. — Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ва изчил ривожланаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Модернизациялашнинг изчиллиги — юксалиш кафолати

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли аҳоли жон бошига нисбатан ғалла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот сингари асосий маҳсулотлар етиштириш ҳажми кескин кўпайди.*

ТАДБИР

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан "Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш — тараққиёт кафолати" мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 1-чорагида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан таққослама нархларда 742,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани, ўсиш суръатлари қандолатчилик тармоғида 254,8, озиқ-овқат тармоғида 243,6, ёғ-мой тармоғида 100,6 фоизга етгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ёки янги корхоналар барпо этиш учун катта маблағ зарур, албатта. Шу боис уюшма жамоаси чет эллик сармоядорлар иштирокида истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Давлат инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда тизимдаги корхоналарда 42 та лойиҳани жорий этиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 81,62 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилинади. Ўтган уч ой мобайнида эса ушбу йўналишда 11,54 миллион доллар ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Мамлакатимизда оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак беришга йўналтирилган чора-тадбирлар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда.*

# Оиладаги маънавий муҳит

ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади

Айниқса, оилага оид долзарб маънавий-ахлоқий масалаларни илмий жиҳатдан мукаммал ўрганиш, таҳлилларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш масалаларига янгича ёндашилаётгани ёшларнинг оила, жамият, юрт олдидаги масъулиятини кучайтиришда, маънавиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида оилада ўзаро хурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантиришга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, бу, ўз навбатида, хотин-қизлар қўмиталари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Пойтахтимизда "Маънавият оиладан бошланади" мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуманда шулар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Республика "Оила" Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг катта ўрни борлиги таъкидланди. Зеро, соғлом бола соғлом оиладан туғилади, соғлом турмуш тарзи қарор топган оилада вояга етади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилгани маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

— Оилада ўзаро хурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, асосийси, жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалла маслаҳатчиларининг масъулиятини ошириш тадбирда кўтарилган долзарб масалалардан бири бўлди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпибоева. — Айниқса, маҳаллаларда саломатлик, бандлик, таълим, оилавий муносабатларга оид шўъбалар фаолиятини изчил йўлга қўйиш, шу орқали ҳаётда учрайдиган айрим масалаларни ҳамжиҳатликда, жамоатчилик иштирокида ҳал этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Шу мақсадда уларга амалий-услубий тавсиялар берилди.

Тадбирда бир неча йиллар давомида самарали фаолият юритаётган, ёш авлодни маънавий соғлом қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бир гуруҳ маслаҳатчиларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси топширилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Зиёда АШУРОВА.**



ЯРМАРКА

*Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши барқарор, халқ турмуш фаровонлиги юксак мамлакат сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.*

# САНОАТЧИЛАР ФОРУМИ




Айниқса, юртимизда маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат тармоқлари қуввати ортиб бораётгани, қўшимча иш ўринлари ташкил этилаётгани, бозорларимиз ўзимизнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаётгани, экспорт имконияти кенгаяётгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, кўчаларимизни тўлдириб юрган автомобиллар, уй бекалари мушкулини осон қилаётган маиший техникалар, телерадиотехника ва мобиль алоқа қурилмалари, бошқа ина қўллаб воситалар ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Албатта, мазкур ижобий натижаларга эришишда тадбиркорлик ва ишбилармонлик равнақига қаратилаётган катта эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва преференциялар, қулай сармоявий муҳит муҳим омил бўлаётир.

Кеча "Ўзэкспомарказ"да ўз ишини бошлаган машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси ярмаркаси ана шу ютуқларимиз тақдимоти, имкониятларимиз платформасига айланди. Ушбу тадбир манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони асосида мунтазам ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси(ХСЯКБ)нинг дастлабки босқичи доирасида ташкил қилинди.

Шубҳасиз, бу форум мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини кенг намоён этиш, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида атрофлича хабардор қилиш, ишончли ҳамкорлар ва шериклар топиш, истиқболли битимлар имзолаш, хўжалик алоқаларини ривожлантириш, соҳа янгиликларидан яқиндан воқиф этиш ҳамда тажриба алмашишда алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

# Эъзоз ва эҳтиром ифодаси

*Тўқсон ёшга киришим чинакам байрамга айланиб кетди. Фарзанду набираларим, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар катта дастурхон атрофида жам бўлишди.*

ДИЛ СЎЗИ

Совға-саломлар, эзгу тилакларини улашишди. Ўша дамда ҳаётим кино тасмасидек бир-бир кўз олдимдан ўтди. Ортда қолган йилларни эслаб, истиқлолга етказгани учун Яратганга шукрона айтдим. Юртимизда эл ободлиги, тинчлик-фаровонлик йўлида олиб борилаётган ишларга ривож тиладим.

Чиндан ҳам, ҳаётимиз мазмун-моҳияти тинчлик-хотиржамлик, мақсадларимиз эзгулигида. Куни кеча ўртанча ўғлим Абдуллоҳ "Ота, юринг, шаҳарни бир айлантириб келай", деб кўярда-кўймай "Нексия"сига ўтқазиб, сайрга олиб чиқди. Қаранг, Наманганимиз кўз очиб юмгунча янаям гўзаллашиб кетибди. Кўчалар равон, иморатлар бирибиридан мухташам. Анвойи гулларга бурканган хиёбонларни айтмайсизми?! Қараб кўзингиз тўймайди-я! Ҳаммаси — инсон учун, шу юртнинг фарзандлари учун!

Йўл-йўлакай набирам Абдулҳай ўқиётган академик лицейга кирдик. Нақ кошонанинг ўзгинаси. Бу ердаги шарт-шароитга жуда ҳавасим келди. Яна денг, менга нотаниш ўқув техникалари кўп экан. Уларни чаққонлик билан бошқараётган ўғил-қизларни кўриб, мактаб йилларим ёдимга тушди. Ҳар икки даврни тарозига солдим. Ер билан осмонча фарқ бор. Бугун ёшларимиз учун яратилган қулайликлардан кўнглим тоғдай кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**7,5**

**фоиз ўсди.**

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ҳамда устуворликларини изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ана шундай юқори суръати таъминланди.

## Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси

**2014 йилда умумтаълим болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) билан бир қаторда, хорижий етказиб берувчилар қатнашса, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Бунда кичик бизнес субъектларига тендер савдоларида иштирок этишда имтиёзлар татбиқ этилади.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар қатнаша олмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- малакавий танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- умумтаълим мактабларини, академик лицейларни, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган ҳамда Республика товар-хом ашё биржасининг ноҳалол етказиб берувчилар реестридаги етказиб берувчилар;
- тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиганлар, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд бўлганлар.

Талабгорларнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулотларининг намуна ва каталог (тегишли лотлар бўйича)ларини тақдим этишлари шарт.

Малакавий танловни ўтказиш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни шартнома имзоланган санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида етказиб бериши шарт.

**Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органига — қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-18-24. Факс: (8-371) 239-89-58.**
**Батафсил маълумот ва маҳсулотларнинг нархларини www.uzedu.uz сайтидан олиш мумкин.**

626R/317

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-1103-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, «Работ» ҚФЙ, Работ маҳалласи, Мирқоракўз манзилида жойлашган, умумий ер майдони 137,67 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 58 369 899 сўм.***

**2.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-1110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, «Работ» ҚФЙ, Работ маҳалласи, Мирқоракўз манзилида жойлашган, умумий ер майдони 149,81 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат, 1 қаватли, 2010 йилда қурилган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 69 922 814 сўм.***

**3.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-1099-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, «Работ» ҚФЙ, Бибиширин маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 176,12 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 73 514 044 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги 19-1107/3622-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, Гагарин қўрғонида жойлашган, «Шариф-Н» хусусий фирмасига тегишли, умумий ер майдони 1533,31 кв.м., 20 хонадан иборат, 1980 йилда қурилган, 1 қаватли, А литердаги клуб биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 43 539 997 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 2 июлдаги 19-1303/4138-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 93-«А» уйда жойлашган, «Термиз агромонтаж» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 8049,80 кв.м., 1 ва 2 қаватли маъмурий ва хўжалик бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 105 000 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2014 йил 26 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 6 майдаги 19-1107/4956-сонли ва 2012 йил 25 мартдаги 19-1203/3987-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Жартепа қишлоғида жойлашган, «Ғишт заводи» МЧЖга тегишли, умумий майдони 577,60 кв.м. бўлган, 2 қаватли, А литердаги тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 189 604 767 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 6 майдаги 19-1107/4956-сонли ва 2012 йил 25 мартдаги 19-1203/3987-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Жартепа қишлоғида жойлашган, «Ғишт заводи» МЧЖга тегишли, умумий майдони 191,42 кв.м. бўлган, 2 қаватли, Б литердаги тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 73 661 336 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 июлдаги 19-1307/7528-сонли ва 2012 йил 26 декабрдаги 19-1208/19782-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, Собиробод қишлоғида жойлашган, «Ҳунар шаҳар» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 2000,0 кв.м. бўлган, 1994 йилда қурилган, 1 қаватли маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 60 140 802,30 сўм.***

**VII.** Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласида жойлашган, «Пахтаобод техник муҳандис» ММТПга тегишли, майдони 121,57 кв.м., 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат А ва Б литерлардаги дала шийпонининг бир қисми ва ошхона айвони билан такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 159 135,10 сўм.***

**VIII.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган, «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 311 480 453 сўм.***

**IX.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 30 февралдаги 1-4251-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Қорсоқли маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 56,86 кв.м., 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1992 йилда қурилган, А литердаги савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

**X.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 5 августдаги 19-1306/5153-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Азларсой маҳалласида жойлашган, «Суннат Ислом» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 1300,0 кв.м., 16 хонадан иборат, 2 қаватли, 1998 йилда қурилган, А литердаги савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 132 116 000 сўм.***

**XI.** Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 23 майдаги 1-307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Катта ҳаёт маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 27,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонали озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 69 000 000 сўм.***

**XII.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, М. Қорабоев маҳалласи, Ҳамид Олимжон кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 512,30 кв.м., 1 қаватли, 1971 йилда қурилган (А, А1, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З литерлар) тураржой ва қўшимча бинолар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 200 371 сўм.***

**XIII.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қумқўрғон тумани судининг 2012 йил 28 сентябрдаги 1-189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Нефтчилар маҳалласи, 3-кичик даҳа, 7-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 57,33 кв.м., 1970 йилда қурилган, 2 хонадан иборат, 2-қаватда жойлашган тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 803 045 сўм.***

Аукцион савдолари 2014 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 8 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz**
**rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

627R/1453

***Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!***

## Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер (танлов)да қатнашиш учун қуйидаги шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органларининг номи ва манзили:**
108000, Жиззах шаҳри, Жиззахлик маҳалласи, У. Тўрақулов кўчаси, 2-уй,
Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси. Телефон: (8-372) 226-06-03. Факс: (8-372) 226-32-91.

**Банк реквизитлари**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисоб варағи
ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919. Марказий банк Тошкент шаҳри ББҲККМ, МФО: 00014,
ш/ҳ 400121860084017950100054055, СТИР: 200342749, ОКОНХ: 91900.

***Тендер (танлов) предмети — товарларни етказиб бериш.***

Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, реактивлар, тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари (рўйхат бўйича).

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

***Етказиб бериш шартлари.***

Барча етказиб берувчилар учун: ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ойгача.

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

630R/295

## Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**2014 йилда қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили.**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Урганч шаҳри, 220100, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй.
Телефонлар: (8-362) 226-45-66, 226-26-60, 226-85-16. Факс: (8-362) 224-29-21.
E-mail: info.horezm@minzdrav.uz

**Банк реквизитлари:**
Молия вазирлиги ғазначилиги ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97500, МФО: 00014,
Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси,
ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001, махсус ҳ/р: 400121860334017950100054002, СТИР: 201989194.

***Тендер (танлов) предмети.***

***Қуйидагилар бўйича товарларни етказиб бериш:***

— шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича);
— реактивлар;
— тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

***Етказиб бериш шартлари.***

Барча етказиб берувчилар учун: соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 10 000 000 сўмгача.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 24 май соат 12.00 га қадар.

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

635R/341

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 2014 йил 18 апрелдаги 1-195-сонли буюртманомасига асосан, партияга тегишли, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3-уйда сақланаётган, «Epica» русумли, давлат рақами 01/956 ААА бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 50 485 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 26 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 26 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2014 йил 3 ва 11 июнь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 3 июндаги савдо учун — 30 май куни соат 18.00, 11 июндаги савдо учун — 9 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

Гувоҳнома № 006231.

636R/1452






## АНЖУМАН

*Бухоро вилояти мусиқали драма театрида атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

# Умумбашарий ғоялар куйчиси

ЎзФА, Ёзувчилар уюшмаси, республика Байналмилал маданият маркази, “Ўзбекистон — Туркманистон” дўстлик жамияти, мамлакатимиздаги Туркман маданият маркази ҳамда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳар иккала мамлакатнинг адабиётшунос олимлари, тадқиқотчилар, ижодкорлар, шеърият мухлислари қатнашдилар. Анжуманда сўз олганлар Махтумқули ижоди ҳақида тўхталиб, шоир шеърларида умумбашарий ғоялар тараннум қилинганини алоҳида таъкидладилар. Халқона оҳангларда ёзилган битикларда дўстлик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, эзгулик мадҳ этилган. Шоирнинг маърифатга чорловчи, инсоний фазилатлар улуғланган шеърлари нафақат туркман, балки ўзбек шеърхонлари орасида ҳам севиб ўқилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

Анжуманда ҳар иккала мамлакат адабиётшунослари “Махтумқули ижодида Навоий анъаналари”, “Махтумқули ва Шарқ адабиёти”, “Шоир ижодининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши” каби мавзуларда амалга ошираётган илмий тадқиқотлари юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижодиёт фестивали

*Навоий шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий болалар ижодиёти фестивали “Истиқлол ғунчалари” деб номланди.*

Унда жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган тўгараклар иштирокчилари томонидан яратилган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркаси уюштирилди. Кўргазмада миллий маданиятимизнинг бадиий ва амалий санъат йўналишларида яратилган ижодий ишлар намойиш қилинди.

Тадбир сўнгида “Баркамол авлод” марказлари тўгараклари ҳамда уларнинг энг яхши иштирокчиларига бир қатор йўналишлар бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

# САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ

*Ҳаётда қобилиятсиз ўғил-қизнинг ўзи йўқ, дейдилар. Ҳақ гап. Зеро, бола мурғаклигиданоқ бирор бир фойдали машғулотга жалб этилса, қизиқиш ва интилишлари тўғри йўналтириб борилса, вақт ўтиши билан у истеъдодга, истеъдод эса иқтидорга айланиши, шубҳасиз.*

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Булунғур туманилик Элдор Бобоёров ҳам болалигидан санъатга меҳр қўйди. Қалбида қўшиқчиликка ҳавас уйғонди. Фарзандидаги қизиқишни ўз вақтида илғаган ота-онаси уни қўллаб-қувватлади, муносиб рағбатлантирди. 2011 йили туман марказида замонавий услубда болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлаши эса болакайнинг орзуларига қанот бағишлади.

Мана, икки йилдирки, Элдор Бобоёров ана шу мактабда “Анъанавий хонандалик” йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Ҳозир у тенгдошлари орасида “Камалак юлдузлари — 2012”, Муҳиддин Қори Ёқубов, “Янги овозлар” каби вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар совриндори сифатида яхши танилган.

— Мактабимизда 185 нафар ўқувчига 17 та йўналиш бўйича сабоқ берилаяпти, — дейди мазкур мактаб директори Шербек Ярматов. — Уларнинг аксарияти Элдор сингари иқтидор эгалари. Ўз маҳоратини мунтазам ошириб боришмоқда. Жумладан, муассасамиз қошидаги “Дуторчи қизлар” ансамбли, “Навқирон Наво — 1” гитарачилар гуруҳи ҳамда халқ чолғу оркестрининг турли танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки, фахрли ўринларни қўлга киритгани бизни янада изланишга, янгидан-янги ютуқларга руҳлантираяпти.




— Табиат манзаралари, миллий либосларни чизишга қизиқаман, — дейди мактаб ўқувчиси Баҳора Абдувоҳидова. — Мақсадим — келгусида моҳир дизайнер бўлиб етишиш. Шу боис тасвирий санъат сирларини пухта ўрганиш билан бирга, тўгарак машғулотларида миллий либослар, уларнинг кўринишлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиб бораяпман.

Дарҳақиқат, эътибор, имконият ва рағбат бор жойда истеъдод бўй кўрсатади. Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори айни шундай устувор мақсадлар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қарор асосида 2009 — 2013 йиллар давомида Самарқанд вилоятида 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилди, 8 таси капитал реконструкция қилинди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азамат Умаровнинг таъкидлашича, жорий йилда ҳам бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади. Чунончи, айни пайтда 3 та ана шундай таълим муассасасини янгидан барпо этиш ҳамда биттасини капитал реконструкция қилишга киришилгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, ўтган даврда мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларининг барчаси замонавий мусиқа асбоблари, мебель жиҳозлари, ўқув қўлланмалари билан таъминлангани эртамиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишларида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.



**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 12 АПРЕЛДАН 18 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 4 апрелдаги 27, 2014-14, 61-сонли қарори.*

**2014 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-2 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

2. «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олинадиган уй-жойларни қийматини табақалаштирилган ҳолда аниқлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Акциядорлик-тижорат ипотека банки «Ипотека-банк»нинг 2014 йил 8 апрелдаги 62, 30, 2, 63-сонли қарори.*

**2014 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 500-1 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

3. «Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2014 йил 24 мартдаги 6, 4-сонли қарори.*

**2014 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2575 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

4. «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги 22, 29-сонли қарори.*

**2014 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898-1 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

5. «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 11 апрелдаги 31, 2014-16, 315-В-3-сонли қарори.*

**2014 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-3 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

6. «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2014 йил 18 мартдаги 01/27-26/10, 8-сонли қарори.*

**2014 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-1 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

7. «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2014 йил 18 мартдаги 01/27-26/11, 9-сонли қарори.*

**2014 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-2 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

8. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида авиация хавфсизлиги бўйича инструкторларни сертификациядан ўтказиш» авиация қоидаларини (ЎзР АҚ–182) тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 4 апрелдаги 44-н-сонли буйруғи.*

**2014 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2576 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

9. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 16 апрелдаги 2014-15-сонли буйруғи.*

**2014 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915-2 (2014 йил 21 апрелдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олинадиган уй-жойларни қийматини табақалаштирилган ҳолда аниқлаш тартиби» *(рўйхат рақами 500, 1998 йил 12 октябрь). Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзуйжойжамғармабанк» Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 14 апрелдаги 94-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# Спорт

## БОКС

*Болгариянинг София шаҳрида давом этаётган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ярим финалчилари номи маълум бўлди.*

## Олимпиадага яна учта йўлланма

Эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистон терма жамоасининг тўрт нафар аъзоси ушбу босқичда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Мусобақа регламентига кўра, ярим финалга чиққан спортчилар бронза медали ҳамда жорий йилнинг август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпиада ўйинлари йўлланмаларига эга бўлади. Аммо ҳар бир терма жамоага кўпи билан учтадан лицензия берилишини ҳисобга олсак, вакилларимиз зиммаларига юклатилган вазифани ортиғи билан уддалашгани ойдинлашади.

Терма жамоамиздан Нанкинга йўл оладиган уч нафар боксчининг номи кейинроқ эълон қилинади.

## Нимчорак финал иштирокчилари маълум

## ФУТБОЛ

*“Майдон текис, тўп юмалоқ” деганларидек, футболда ҳар доим ҳам кучли жамоалар ғалаба қозонавермайди. Бунга Ўзбекистон кубоги 1/16 финал учрашувларида қайд этилган натижалар мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ушбу босқичда олий лиганинг бир йўла тўртта клуби биринчи лига иштирокчиларига имкониятни бой бериб қўйди.*

Хусусан, “Хотира 79” (Уйчи, Наманган) жамоаси “Бухоро” (Бухоро) ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. “Қўқон 1912” (Қўқон) вакиллари “Нефтчи” (Фарғона) футболчиларидан устун келди — 4:2. Тошкентнинг биринчи лигадаги икки клуби — “Истиқлол” ва “Оқтепа” олий лиганинг “Сўғдиёна” (Жиззах) ҳамда “Машъал” (Муборак) жамоаларини мусобақадан чиқариб юборди.

Бошқа жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: “Хоразм” (Урганч) — “Пахтакор” (Тошкент) — 0:4, “Гулистон” (Гулистон) — “Динамо” (Самарқанд) — 1:2, “Чуст-Пахтакор” (Чуст) — “Металлург” (Бекобод) 0:2, “Бунёдкор-2” (Тошкент) — “Насаф” (Қарши) — 0:3, “Шердор” (Самарқанд) — “Андижон” (Андижон) — 2:2. (қўшимча вақтда 0:0, пенальтилар бўйича 3:5), “Шўртан” (Ғузор) — “Навбаҳор” (Наманган) — 1:2, “Аланга” (Косон) — “Олмалиқ” (Олмалиқ) — 1:3, “Машъал-2” (Муборак) — “Қизилқум” (Навоий) — 1:2.

Шу тариқа нимчорак финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро баҳс олиб борадиган бўлди: “Динамо” — “Металлург”, “Хотира-79” — “Оқтепа”, “Қўқон-1912” — “Пахтакор”, “Насаф” — “Андижон”, “Навбаҳор” — “Истиқлол”, “Қизилқум” — “Олмалиқ”.

Ушбу босқичнинг дастлабки ўйинлари 10 ва 11 май кунлари ўтказилади. Жавоб беллашувлари 27 ҳамда 28 май саналарига белгиланган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 22 августдаги 10-1208/809-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61, 59, 57-уйлар манзилидаги 48474,0 кв.м. ер участкасида жойлашган, умумий майдони 2185,0 кв.м. бўлган 10 та савдо ва маиший техника дўконлари бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 650 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 28 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Мирobod филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 307373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

637R/1091




**O‘ZSANOATQURILISHBANK**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бош офиси ҳамда Амалиёт бошқармаси биносида қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси (ҚЁОС) воситаларини ўрнатиш бўйича очиқ тендер эълон муддати 2014 йил 12 майга қадар узайтирилади.**

Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1. **Тендер комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони:**
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-371) 120-45-39. Факс: (8-371) 233-37-12. E-mail: safety@uzpsb.uz
2. **Тендер мавзуси:**
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ биносида қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси (ҚЁОС) воситаларини ўрнатиш.
3. **Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари:**
Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.

Тендер ҳужжатларининг баҳоси 300 АҚШ долларини ташкил этади.

Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер комиссиясига мурожаат қилиш лозим.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 12 май соат 18.00 гача.**

634R/347


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Бобур Масудович Усмановга отаси **Масуд Ганиевич УСМАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Касаба уюшмаси қўмитаси ва Сенат девони жамоаси Девон раҳбари Анвар Набиевич Саъдуллаевга опаси **Заҳрохон САЪДУЛЛАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси кимё фанлари доктори, профессор Абдуфаттоҳ Юлдашевга ўғли **Абдумалик ЮЛДАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жамоаси ижро этувчи директор ўринбосари Шуҳрат Нуруллаевга волидаи муҳтарамаси **ХУРСАНД аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.05** 1 2 3 4 5